SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 28-OKTABR ■ SESHANBA ■ 126 (27.146) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

АЛОҚА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

«Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонасида Транс Осиё — Европа оптик-толали алоқа линиясининг бошқарув қўмитаси ўз ишини бошлади. Унда кўплаб хорижий ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда уч кун давомида Транс Осиё — Европа алоқа линиясидан фойдаланувчи мамлакатларнинг тариф сиёсати, чегарадош участкаларда заҳира қилиб қўйиш ва магистрал ишининг сифатини таъминлаш масалалари кўриб чиқилади.

(Ўз мухбиримиз)

ЖССТ БОШ ДИРЕКТОРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

25 октябрь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Бош директори Ли Чонг-Вукни қабул қилди.

Ли Чонг-Вук шу йил май ойида мазкур ташкилотга раҳбар этиб сайланган. Учрашувда Президент Ислом Каримов меҳмонни юксак лавозимга сайлангани билан қутлар экан, тажрибали мутахассис ва нуфузли арбоб саналадиган Ли Чонг-Вук раҳбарлигида ЖССТ билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайишига умид билдирди.

— Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли ва кўп қиррали алоқаларида ЖССТ ўзига хос ўрин тутади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бунинг боиси шуки, ЖССТ ўз фаолиятига сиёсий тус бермайди, аниқ ва зарур ёрдамни аямайди.

1948 йилда ташкил этилган мазкур халқаро ташкилот соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича БМТнинг бош институти ҳисобланади. У ўз фаолияти давомида икки тарихий ютуқнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлди — 1980 йилда жаҳонда чечакни бартараф этишга эришилди, 1994 йилда Америка қитъасида полиомиелит касаллигига барҳам берилди. Бу 2000 йил охиригача дунёда мазкур касалликдан қутулиш вазифасини адо этиш борасидаги дастлабки қадам эди.

Ўзбекистон 1992 йили ушбу ташкилотга аъзо бўлган. 1994 йилдан Тошкентда ЖССТнинг Мувофиқлаштириш ва алоқалар бўйича бюроси фаолият кўрсата бошлади. 2001 йили эса бюро ваколатхонага айлантирилди.

Мамлакатимизнинг ЖССТ билан ҳамкорлиги бир неча муҳим йўналишларни қамрайди. Улар орасида силни назорат қилиш стратегиясининг ижроси, ОИТСнинг олдини олиш, наркотик моддалар ҳамда тамаки назорати бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш, врачлар ва ҳамшираларни умумий амалиётга ўқитиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби соҳаларни таъкидлаш мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда донор мамлакатлар ҳисобидан ЖССТнинг бир неча лойиҳаси амалга оширилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистоннинг уч туманида бирламчи тиббий-санитария хизматини мустаҳкамлаш ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш лойиҳасига (қиймати 610 минг АҚШ доллари) Бельгиянинг, самарали перинатал ёрдамни ривожлантиришга кўмаклашиш лойиҳасига (100 минг доллар) Италиянинг молиявий ёрдами жалб этилган. Жами беш лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда силга қарши кураш дастури ҳаётга изчил жорий қилинмоқда. Ҳозир мамлакатимиз аҳолиси ЖССТ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган Силнинг қисқа муддатли кимёвий терапияси дастури доирасида ушбу хасталикни замонавий ва самарали услубда даволаш имкониятидан фойдаланмоқда. Ташкилот кўмаги билан Тошкентдаги фтизиатрия ва пулмонология илмий-тадқиқот институти ҳузурида силни назорат қилиш миллий маркази ташкил этилган.

ЖССТ Л.Исаев номидаги Самарқанд тиббий паразитология институтига ҳам молиявий ёрдам кўрсатмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи муҳокама қилиниб, барча амалга оширилажак лойиҳалар борасида атрофлича фикр алмашилди, томонлар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ривожининг истиқболли йўналишларини белгилаш, айрим мамлакатлар ё минтақалардаги муаммоларга ечим топишга кўмаклашиш борасида ЖССТ мувофиқлаштирувчи ва ўзига хос бошқарув маркази бўлиши керак. Ўзбекистон томонининг нуқтаи назарига кўра, ЖССТнинг мавқеини янада ошириш ва ваколатларини кенгайтириш вақти келди.

Чунки, айрим мамлакатлар ўз ҳудудида юқумли касаллик пайдо бўлганини ва унинг қўшни ўлкаларга тарқалиши эҳтимолини била туриб, бу ҳақда уларни расмий огоҳлантирмаслиги ҳолатлари кузатилган. Бунинг хавфи нечоғли катта эканини Марказий Осиё минтақаси мисолида кўриш мумкин. Амударё ва Сирдарёдан миллионлаб одам сув ичади. Миллионлаб гектар экин майдонларини ҳам бу икки дарёсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай шароитда бирор жойда чиққан юқумли касаллик дарҳол назорат остига олинмаса, у жуда осон ва тез тарқалади. Шу боис ЖССТга бундай ҳодисаларни текшириш ва суриштириш ваколатини бериш зарурати бор.

Мамлакатимиз раҳбари ўта хавфли юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишини доимий мониторинг ва назорат қилиб боришнинг энг самарали чораларидан бири Эпидемия ва эпизоотиялар назорати бўйича минтақавий марказ тузиш эканлигини таъкидлаб, Ўзбекистон ўз ҳудудида шундай марказни жойлаштиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Ли Чонг-Вук Ўзбекистон Президентига самимий қабул ва амалий таклифлари учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатимиз томонидан тиббиёт муассасаларини ускуналар ва дори-дармон билан таъминлаш дастури ижроси учун 40 миллион АҚШ доллари ҳажмида ёрдам сўраб, Глобал жамғармага берилган мурожаатни ЖССТ қўллаб-қувватлашини айтди.

ЖССТ Бош директорининг Олий Мажлис Раиси Э.Халилов билан учрашувда ҳам Ўзбекистон ва ЖССТ ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, Ли Чонг-Вукнинг мазкур ташрифи ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Меҳмон юртимизда соғлиқни сақлаш борасида қабул қилинган қонунлар билан яқиндан танишди.

ЖССТ делегацияси Нукусда «DOTS+» лойиҳаси асосида фойдаланишга топширилган 2-республика сил касалликларига қарши кураш диспансерининг очилиш маросимида иштирок этди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, эллик ўринли шифохонада янгича даволаш усуллари жорий қилиниб, дори-дармон тўла Medecins Sans Frontieres (Чегара билмас шифокорлар) халқаро ташкилоти томонидан таъминланади. Бу ерда маҳаллий шифокорлар билан бирга чет эллик мутахассислар ҳам хизмат қилади.

— Мамлакатингизда экологик вазиятни барқарорлаштириш, одамларнинг турмуш тарзини яхшилаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга ошириладаётган ишлар кишини қувонтиради, — деди Ли Чонг-Вук журналистлар билан суҳбатда.

Ли Чонг-Вукнинг ташрифи Ўзбекистон билан ЖССТ ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланаётганини кўрсатиб, ҳамкорликнинг янги-янги йўналишларини очишга имкон яратади.

(ЎзА)

❖❖❖

Суратларда: қабул пайти.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Бешариқ туманида «Бешариктекстил» акциядорлик жамияти, Туркиянинг «TEKMEN TEKSTIL» LTD ҳамда «SOKAY» A.S. фирмалари, Германиянинг «TEXTIMA EXPORT IMPORT GmbH» фирмаси ҳамкорликда бунёд этган «BESTEKS» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона иш бошлади.

2002 йилнинг октябрь ойида қурилиши бошланган бу янги ишлаб чиқариш иншоотига 25 миллион евро миқдорида сармоя киритилди. Пахта титиш, тароқлаш, йигирув ва калавалаш сингари маҳаллий хомашёни жаҳон андозалари даражасида қайта ишлаш ускуналари келтириб ўрнатилди. Йилига 6800 тонна пахтадан калава ип тайёрланиб, 11 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилса, унинг 8 миллион 750 минг долларлик қисми хорижга экспорт қилинади.

Корхона ишга туширилиши туфайли 600 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Бу корхона ҳамкорлик шартномаларига мувофиқ, йигирилган ипдан шу ернинг ўзида газлама тўқиш корпусига дастгоҳлар ўрнатиш давом этмоқда. Қўшма корхонанинг иккинчи навбати йил охиригача ишга туширилади.

Алишер ИБОДИНОВ

ЕВРОПАДА «ДИЛХИРОЖ»

Бельгиянинг Гент шаҳрида 30-Фларманд халқаро кинофестивали ўз ишини якунлади. Бу йилги юбилей фестивалида дунёнинг 45 мамлакатидан 270 та фильм, шу жумладан 170 та бадиий ва 100 та ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Мазкур нуфузли халқаро анжуманда биринчи маротаба ўзбек киноси – кинорежиссёр Юсуф Розиқовнинг «Дилхирож» бадиий фильми тақдимоти бўлиб ўтди. Мухлислар эътирофига кўра, олис тоғли ўлкадаги икки ёшнинг беғубор севгиси ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу киноасар уларда катта таассурот қолдирди.

Айтиш жоизки, Фларманд фестивали танловига саралаб олинувчи фильм учун бош мезон мусиқанинг фильмдаги роли ва унга таъсиридир. Бу Гент киноанжуманини Европадаги бошқа нуфузли Берлин, Канн ва Венеция фестивалларидан фарқловчи асосий жиҳатдир.

Мамлакатимиз киноижодкорлари маҳсулотидан ташқари МДҲ мамлакатлари орасида фақат Россия Федерацияси ўз фильмларини фестивалга тақдим этди. Мазкур ҳол Ўзбекистонда ҳукуматимиз саъй-ҳаракатлари ила миллий кино ишлаб чиқариш анъаналари сақланиб қолгани ва ҳозирда «Ўзбеккино» ДАК маҳсулотлари Европа киноэкранларини бирин-кетин забт этаётганидан далолат бермоқда.

Ж. МУТАЛОВ, Жаҳон АА

Баркамол авлод орзуси

«БУЮК ЭЛГА ЭНДИ ДАҲОЛАР КЕРАК»

Улуғ математик аждодларимиз издошлари ака-ука Фарҳоджон ва Олимжон ЭШМАТОВлар шарафига Американинг Корнелл университети муҳташам майдонида мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турибди

Бу кўҳна дунёни бирор-бир амалинг билан ҳайратлантириш қийин. Сен ўйлаганларингни кимдир олдинроқ айтган, кашфиёт дегани неча аср муқаддам ибтидоий бир шароитда компьютерсиз ҳам бажарилган... Шу лаҳзаларда жаҳоннинг барча халқлари қадим аждодлари эришган улкан ютуқларни мозий тарозисига қўя бошлайдилар. Бу ҳам тарихий ҳақиқат. Улар қолдирган маънавий мероснинг, дунё маданиятига қўшган ҳиссанинг салмоғи баланд... Лекин шу ерда ҳақли бир савол туғилади: **биз буюк аждодларимизга муносиб нима иш қилаяпмиз? Улар эгаллаган илм-фан чўққилари биздан узоқлашиб кетгани йўқми? Аждодлар ва авлодлар ўртасидаги абадий кўприк мустаҳкамми?**

Боболар шон-шуҳрати ҳақида гап кетганда дунё олдида бошимизни баланд кўтаришга ҳақлимиз, албатта. Улар қолдирган олтин мерос орадан ўнлаб асрлар ўтиб бугун ҳам оламни ҳайратга солиб турибди. Дунёнинг фахру ғурурига айланган Форобий, Фарғоний, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Имом Бухорий, Марғиноний, Мотуридий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Мирзо Бобур... Уларнинг адабиёт, санъат, ислом маданияти, ҳуқуқшунослик, фалсафа, астрономия, алгебра каби фанларга қўшган улкан ҳиссалари ҳақида битилган китоблар, тадқиқотларнинг ҳисоби йўқ. Халқда оққан дарё оқаверади, деган ҳикматли гап бор. Дарҳақиқат, сўнгги истибдод даврида ҳам улуғлар туғилган, шу заминда камол топган. Биргина XX асрда Абдурауф Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар Қори, Авлоний, Ойбек, Чўлпон, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Саъди Сирожиддинов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Обид Содиқов, Собир Юнусов, уларнинг ўнлаб, юзлаб сафдошлари, шогирдлари жаҳон фани ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Исбот талаб этилмайдиган бу ҳақиқат олдида барча халқлар бош эгиб таъзим қиладилар. Шундай буюкларни берган миллатни, заминни кўришни орзу этадилар.

Улуғларда машҳур бир ибора бор: тонг шарқдан, қуёш чиқадиган жойдан бошланади.

2-бет

ХАТИРЧИДА ИҚТИСОД КОЛЛЕЖИ

Хатирчи туманида иқтисод коллежи фойдаланишга топширилди. 750 талабага мўлжалланган Янгироддаги уч қаватли ўқув даргоҳи 8 ойда замонавий қилиб қурилди. Коллеж қурилишида туманда и 14-механизациялашган ҳиссадорлик жамияти қурувчилари меҳнати катта бўлди. Бу ўқув масканида синф хоналаридан ташқари ошхона кутубхона, спорт зали ва тиббиёт пункти ҳам бор. Коллеж биноси табиий газ ва тоза ичимлик сувига эга. Турли касб-ҳунарга йўналтирилган янги коллежлар яна Навбаҳор ва Қизилтепа туманларида ҳам қурилаяпти.

Музаффар ШАРОПОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент,

2003 йилнинг 25 сентябрь куни Тошкентга ташрифимиз давомида менга ва делегация аъзоларига кўрсатилган самимий меҳмоннавозлик учун Сизга ўз миннатдорлигимни изҳор қилиш мақсадида мактуб йўллаяпман.

Менга кўп вақт ажратганингиздан миннатдорман ва Афғонистондаги вазият юзасидан оқилона тавсияларингизни юқори баҳолайман. Сизнинг фикрларингиз эртасига Кобулга қилажак сафарим арафасида ниҳоятда фойдали бўлди. Кобулда ва кейинчалик Шотландияда президент Ҳамид Карзай билан бўлиб ўтган учрашувда мен Ўзбекистоннинг Афғонистон ўтиш ҳукуматини ва Афғонистонда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш бўйича қатъий мажбуриятини қайд этиб ўтдим.

Ташрифим давомида таъкидлаганимдек, Халқаро хавфсизликни таъминлаш кучлари (ISAF) доирасида НАТОнинг етакчи ролини тўла қўллаб-қувватлаганингиз ва мазкур операцияга аниқ кўмак бериш бўйича қимматли таклифингиз Альянс томонидан юқори баҳоланди. Биз Сизнинг таклифингизга мумкин қадар қисқа муддатда, яқин келгуси ҳафталарда жавоб қайтарамиз.

Ўзбекистон ҳукумати ва парламенти томонидан НАТО ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга нисбатан билдирилган қизиқишлар менда катта таассурот қолдирди. Мен ходимларимга Ўзбекистоннинг НАТОдаги миссияси билан ҳамкорликда Сиз ва Ўзбекистон ҳукумати билан муҳокама қилинган масалаларни ўрганиб чиқишни топширдим.

Учрашувимиз чоғида айтиб ўтганимдек, Сизнинг қатъий сиёсий қўллаб- қувватлашингиз туфайли Тошкентда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» ўқув марказининг ташкил этилиши келаси йил мамлакатингизга амалга ошириладиган Шимолий Атлантика Кенгашининг ташрифи билан бир вақтга тўғри келиши мумкин. Шунингдек, Халқаро котибиятнинг эксперт-лар гуруҳи НАТОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасини очиш масаласини муҳокама қилиш учун кейинги ҳафталарда Тошкентга келади. Режалаштириш ва муҳокама этиш жараёни хусусидаги ҳамкорлик масаласида, мен, ваъда қилганимдек, мудофаа вазири Қ.Ғуломовга алоҳида мактуб йўлладим.

Бўлғуси ҳамкорлигимизга умид қиламан.

Самимият билан,
Жорж РОБЕРТСОН,
НАТО Бош котиби
2003 йил 6 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

2004-2006 ЙИЛЛАРДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда истиқболда асосий субъект — қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиси бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида:

1. Яқин йилларда фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган ҳамда молиялашнинг услуб ва шаклларини танлашда, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимини шакллантириш;

бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш;

қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ерни узоқ муддатли ижарага беришда қишлоқ хўжалиги экинлари, биринчи навбатда, пахта ва ғаллани етиштиришга кетадиган барча харажатлар фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қопланиши тамойилига қатъий риоя қилиниши зарур. Бунда электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берадиган ва фермер хўжаликларига бошқа хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши шарт.

Камида уч йил давомида мунтазам равишда бу тамойилга амал қилмаган фермер хўжаликлари билан ерни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, ўзи тарқатиб юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин.

4. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик майдонларидан бошқа мақсадда фойдаланиш, шу жумладан шартномада кўрсатилган экинлар ўрнига бошқа экин экиш — ижара шартномасини қўпол бузиш деб ҳисобланадиган ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган чоралар қўлланиладиган тартиб жорий этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, фермер хўжалиги фаолиятини юритиш учун ижарага ер майдонлари бериш ҳақидаги туман ҳокимининг қарори вилоят ҳокими бошчилигидаги ер майдонларини ажратиш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки билан биргаликда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқараётган фермер хўжаликларини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри кредитлаш йўли билан, мавжуд кредиторлик қарзлари тўлангандан сўнг маблағларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқини берган ҳолда уларни молиялашга 2004-2005 йиллар мобайнида босқичма-босқич ўтишни кўзда тутувчи механизмни ишлаб чиқсин.

(Давоми 2-бетда.)

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

2004-2006 ЙИЛЛАРДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

7. Белгилаб қўйилсинки:

фермер хўжаликларига айлантириладиган қишлоқ хўжалик ширкатлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тақдимномасига кўра ҳар йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади;

фермер хўжаликлари давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек, ягона ер солиғи белгиланган тартибда ўз вақтида тўланмаган тақдирда фермер хўжаликлари фаолиятини фақат уларга ижарага берилган ерлардан ижара шартномасига мувофиқ мақсадли ва унумли фойдаланиш масалалари бўйича текширишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминласин, уларнинг хўжалик фаолиятига бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний аралашишга уриниш ҳолларига қатъий чек қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан бирга республика ҳудудларида фермерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактаблар тармоғини яратсин, бир ой муддатда уларнинг жойлашиш манзилларини белгиласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бирга икки ой муддатда фермерларни бозор шароитида бизнесни бошқариш ва юритиш, бухгалтерия ҳисоб-китоби, суғурта, банклар ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан муносабатлар асослари бўйича ўқитишни кўзда тутувчи Фермерлар тайёрлаш дастурини тайёрласин ва тасдиқласин, ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга фермер хўжаликлари ўзи учун зарур ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ем-хашак, уруғлик ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун зарур бошқа ресурсларни харид қилиш юзасидан шартномалар тузишнинг бозор механизмларини ишлаб чиқсин ва 2004 йилдан бошлаб жорий этсин.

10. Қуйидагилар ташкил этилган вақтдан бошлаб, истисно тариқасида:

қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик ширкатлари ҳудудида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича ташкил этилаётган корхоналар ер ва мулк солиғини тўлашдан;

сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг хизматлари қўшимча қиймат солиғи, даромад ва мулк солиғини қўшиш ва тўлашдан уч йил муддатга озод қилинсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, тенг ҳуқуқли рақобат шароитини яратиш учун муқобил машина-трактор парклари солиққа тортиш шартлари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилаётган хизматлар (шудгорлаш, экиш, ишлов бериш, йиғиб олиш ва бошқалар) учун ҳисоб-китоблар бўйича «Ўзагромашсервис» уюшмасининг вилоят бирлашмалари машина-трактор парларига тенглаштирилади.

12. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатларни 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларига айлантириш дастурини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 27 октябрь

СУД ҲОКИМИЯТИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи алоҳида диққат-эътибор талаб қилишини таъкидлаган эди. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳар бир фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва меъёрлар оммавий ахборот воситаларида ёритилиб, аҳолига таништириб борилиши зарур.

Суд ҳокимияти фаолиятидаги самарадорлик, судларда кўрилган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши суриштирув, тергов, суд жараёни устидан халқ назоратини янада кучайтиради.

Конституциявий судда бўлиб ўтган суд ҳокимияти фаолияти самарадорлиги масалаларини ва судларда кўрилган ишларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишидаги муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган давра суҳбатида шу ҳақда гап борди.

Конституциявий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган ушбу тадбирда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ҳамда Ички ишлар вазирлиги, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар мазмун-моҳияти, амалий натижаларини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш, хусусан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши билан боғлиқ қонун ҳужжатларининг ҳаётга жорий этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан охирги икки йилда 14 мингдан ортиқ шахс ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашганлиги ва етказилган зарарни қоплаганлиги учун жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Судланганларнинг 13 фоизига нисбатан жарима жазоси қўлланилди. Энг муҳими, судланганлар сони камайди, озодликдан маҳрум қилиш жазоси 34,7 фоизга тушди, 65,3 фоиз судланувчи маҳкумликдан бошқа енгилроқ жазога тортилди.

Мулк мусодарасига қаратилган амалиёт ўзгартирилди, судларга иқтисодий тоифадаги жиноятларга жазо тайинлашда етказилган зарарни қоплаш ҳоллари оғиридан енгилроқ жазо тайинлаш билан чегараланиш ҳуқуқи берилди.

Бу давлатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги ислоҳотлар умуминсоний, адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилаётганидан далолатдир.

Тадбирда суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўзаро ҳамкорлик доирасининг кенгайиши суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига ижобий таъсир ўтказиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қонун устуворлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН:
ушбу мавзудаги таҳлилий мақолани газетамизнинг навбатдаги сонида эълон қиламиз

Баркамол авлод орзуси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

КЕЛАЖАКНИНГ ОЙДИН ОРЗУЛАРИ

Мустақиллигимизнинг 12 йили тарих учун катта фурсат эмас. Лекин мана шу асрларга тенг олтин онларда мамлакат Президенти ва халқимизнинг асосий эътибори баркамол авлод таълим-тарбиясига қаратилди. Эндигина истиқлолга эришган давлат олдида бири биридан муҳим, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар етарли эди. Шунга қарамасдан Ўзбекистонда ёш, соғлом авлодга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Етук мутахассислар тайёрлайдиган ўнлаб олий ўқув юртлари, академияларга асос солинди. Истеъдодли ёшлар дунёнинг энг нуфузли университетларига давлат ғамхўрлиги асосида ўқишга юборилди.

«Баркамол авлод орзуси» умумхалқ ҳаракатига айланди. Иқтидорларни излаш, уларга илмий-тадқиқот олиб боришлари учун зарур шарт-шароит яратиш, давлат грантлари ажратиш, замонавий лицей-коллежлар барпо этиш, рағбатлантириш, Давлат, Президент стипендияларининг жорий этилиши, олий ўқув юртларига кирувчилар учун адолат мезони — тест синовлари усулига ўтилиши, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, «Ниҳол» ва бошқа кўплаб истиқлол имкониятлари замирида ёшларга бўлган чексиз ишонч, умид, орзу, Ўзбекистоннинг буюк келажаги ҳақидаги қудратли ғоя мужассамдир.

Ўзбек халқи ва унинг давлат раҳбари ўз фарзандларининг камолоти йўлида маблағ ва эътиборни аямаётир. Бир сўз билан айтганда, **«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»**

1

ОИЛА «АКАДЕМИЯСИ»

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг информатика ва информацион технологиялар кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Ҳасан Эшматов ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти Тошбиби Норбобоевалар оиласида уч фарзанд вояга етмоқда. Улар ёшлигидан ота изидан бориб, математикага меҳр қўйдилар. Ҳасан ака 217 та илмий иш, дарслик, монография, ўқув қўлланмалар яратиш, ўн бешга яқин фан номзодлари, учта докторлик ишига раҳбарлик қилиш билан бирга, фарзандларининг таълим-тарбиясига ҳам ҳамиша вақт топди. Ҳашаматларга, ҳо-ю ҳавасларга учмади. Бу дунёнинг ўткинчи неъматлари ортидан қувмади. Фарзандларига ҳалол ризқ едириб, уларнинг дунёқарашидан хабардор бўлди. Оддийлик, камтарлик оиланинг шиорига айланди. Хонадоннинг бор бисоти китоблар, ўқув дарсликлари. Бошқа ўринларни меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат ва математика фанига бўлган эътибор эгаллаган. Домланинг умр йўлдошлари ҳам докторлик диссертациясини ҳимоялаш арафасида. Оила даврасида кимнидир мансаб пиллапоясидан кўтарилгани ёки тушиб кетгани, янги олган машинаси, кийимкечаги ҳақида гап бўлмайди. Бу хонадонда вақт деган тенгсиз бойликни жуда қадрлашади. Асосий суҳбат мавзуи фан, янги адабиётлар, изланишлар ҳақида боради.

1975 йилда туғилган тўнғич фарзанд Бахтиёржон 26 ёшида физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини қўлга киритди. Ўттиздан ортиқ тадқиқотлари эълон қилинган. Профессор Карим Султонов раҳбарлигида илмий изланишларини давом эттирмоқда. Бахтиёржоннинг турмуш ўртоғи Ферузахон Эшматова — ҳуқуқшунос олима. Ушбу соҳанинг энг долзарб муаммолари ҳақида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Ҳасан Эшматовнинг бир одати бор. У унча-мунча олимларга тан беравермайди. Шу боис бўлса керак, бош фарзандининг ишларидан ҳам қониқиш ҳосил қилмайди. Янги-янги тадқиқотлар устида биргаликда бош қотиришади. Баъзан бу баҳс-мунозараларга Тошбиби опа ҳам аралашади. Уларни тортишаётган формуласини Фарҳоджон ёки Олимжондан сўрашга ундайди. Ҳа, бу кичик оила академиясида яна икки математик улғаймоқда. Улар Американинг Корнелл университетида — Фарҳоджон докторантурада, Олимжон магистратурада таҳсил олмоқдалар.

«ФАЛАК МУШКУЛЛАРИ ҲАЛ ФИКРАТИДАН»

Ҳазрат Мир Алишер Навоий ўзининг машҳур «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳодга таъриф берар экан, жумладан шундай дейди:

«Ўқуб ўтмак, уқуб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида сафҳа-сафҳа бори.»

Қаҳрамонимиз Фарҳоджон Эшматов 1976 йилда туғилган. Аввал физика-математика фанлари чуқур ўргатиладиган 225-ўрта мактабда таҳсил олди. Оиладаги муҳит унга ушбу йўналишни танлашига туртки бўлди. Ўқувчилик йилларида бир неча бор шаҳар, республика олимпиадаларида қатнашди. Таълимни буюк математиклар бешиги — Ўзбекистон Миллий университетида давом эттирди. Талабалик йилларида қатор нуфузли журналларда илмий мақолалари эълон қилинди. У 1998 йилда давлат грантини қўлга киритиб, Американинг Нью-Йорк университети магистратурасида ўқий бошлади. Фарҳоджоннинг тадқиқотларини кузатиб борган мутахассислар уни Корнелл университетининг докторантурасига тавсия қилдилар. Шу билан бирга у бакалаврларга математиканинг махсус бўлимлари бўйича сабоқ бера бошлади. Ёш олимнинг Ли алгебрасига оид илмий ишлари хорижий таниқли олимлар томонидан юқори баҳоланди.

У инглиз, рус тилларини мукаммал билади. Биз ёш олимнинг айни вақтдаги фаолияти, изланишлари билан қизиқиб океан ортига қўнғироқ қилиб, Фарҳоджонга ўзимизни қизиқтирган бир неча саволларни бердик.

— Шу кунларда нималар билан бандсиз?

— Ишонасизми, бирор дақиқа бўш вақтим йўқ. Докторлик ишим тугай деб қолди. Бундан ташқари дарслар ҳам кўп. Диссертациям бўйича Англиянинг Кембриж, Американинг Нью-Йорк, Принстон, Бостон, Канаданинг Тарронта, Монреал университетларида маъруза ўқидим. Жаҳоннинг яна кўплаб университетларига таклиф этилганман. Хорижий нашрларда мақола эълон қилиш жуда қийин, уларни тайёрлаш учун соатлаб кутубхоналарда, компьютер ёнида ўтиришга тўғри келади. Шу йилдан бошлаб бакалаврлар билан бирга магистрларга ҳам дарс ўта бошладим. Тошкентни қанчалар соғинмай, ёзги таътилда бора олмадим. Юртни, ота-онамни, устозларимни кўргим келади...

— Фарҳоджон, Корнелл университети докторантурасига қабул қилинишингиз муносабати билан ушбу университетнинг маҳобатли майдонига Мустақил Ўзбекистон Республикаси байроғи ўрнатилганини эшитиб жуда фахрландик...

— Корнелл университети АҚШдаги рейтинги энг юқори университетлардан ҳисобланади. Нуфузи бўйича бу илм даргоҳи биринчи ўнликка киради. Америкада 2,5 мингдан ортиқ университет бор. Улар орасида ушбу масканнинг ўз ўрни, эгаллаб турган мавқеи баланд. Университетда асосан американликлар ўқийди. Шу билан бирга магистратура ҳамда докторантурасига четдан иқтидорли талабалар ҳам қабул қилинади. Бу даргоҳдаги ажойиб анъанага кўра, докторантурага қабул қилинган бошқа давлат фуқаросига катта ҳурмат рамзи сифатида ўша юртнинг байроғи университет

2

Фарҳоджон ЭШМАТОВ


Корнелл университети

Олимжон ЭШМАТОВ

«БУЮК ЭЛГА ЭНДИ ДАҲОЛАР КЕРАК»

майдонига ўрнатилади. Бундай бахтга мен ҳам сазовор бўлдим. Ишонасизми, нима ёзмай, қандай тадқиқотларга уринмай, Ватан байроғи кўз олдимга келади. Мен ушбу ишонч қаршисидаги бурч ва масъулиятимни унутмасликка ҳаракат қиламан. Ҳар тонг ўзга диёрда ҳилпираб турган ўз байроғингни кўриш дунёдаги энг буюк бахт бўлса керак.

— Математика фанига қизиқишингизга нима сабаб бўлган? Устозларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз?

— Шу кунларда ўзининг 85 йиллик тўйини нишонлаган Ўзбекистон Миллий университети профессорлари Носир Ғаниҳўжаев ва Владимир Чилинлар менинг илмий раҳбарларим ҳисобланади. Уларнинг таклифига биноан, ўтган йили илмий ишим бўйича қўшма семинарда маъруза қилган эдим. Камтарона ишимни устозларим ва академик Шавкат Аюпов юқори баҳолашди. Ҳатто Владимир Чилин маърузамни математика байрами деб атади. Бу улуғ олимлар менга биринчи илмий йўналишимни белгилаб берганлар. Мавзуим математиканинг энг долзарб бўлими бўлган алгебраик-геометрияга бағишланган. Математиканинг ушбу бўлими катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, техникадаги жуда кўплаб муаммоларнинг ҳал этилишига ёрдам беради. Олаётган натижаларим бўйича бир неча мақолаларим АҚШ ва Канада журналларида эълон қилинди. Кечирасиз, нокамтарлик бўлса ҳам илк устозим отам эканлигини айтмоқчиман. Математикага оид янгиликлар, фикрлар, керак бўлса маърузалар ҳам илк бор оила семинарида муҳокамадан ўтади.

— Илмий ишлар қандай кетаяпти? Қачон ёқлайсиз?

— Докторлик ишимни келаси йил мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида ҳимоя қилмоқчиман. Америкадаги илмий раҳбарим, профессор Ю.Берястнинг бир қатор маслаҳатлари юзасидан диссертациянинг баъзи ўринларини тўлдираяпман. Кейин эса юртга қайтиш, олган билимларимни ёшларга бериш, Ватан, Юрт, Президентимиз ишончларини оқлаш.

Яна бир гапни айтай. Менимча Корнелл университети майдонига ўрнатилган байроғимиз яна ўрнида тураверади. Шу йилги натижаларга кўра, «академия»мизнинг энг кичик аъзоси укам Олимжон Эшматов ҳам Корнелл университети магистратурасига ўқишга қабул қилинди...

Олимжон Эшматов 1983 йилда туғилган. Оилада энг кичик фарзанд. У ҳам Миллий университетнинг механика-математика факультетида таҳсил олган. 2002-2003 ўқув йилида табиий фанлар йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига сазовор бўлган. Бир неча марта халқаро илмий анжуманларда ўз маърузаси билан иштирок этган. Жумладан, 2002 йилда Новосибирск шаҳрида ўтказилган анжуманда диплом билан тақдирланган. Ёш олимнинг 4 та мақоласи республика журналларида чоп этилган. Миллий университет олимлари ва талабаларининг бир гуруҳи Италиянинг Триеста шаҳрида жойлашган ЮНЕСКО қошидаги «Абул-Салом» Халқаро грантини олишга сазовор бўлдилар. Ушбу ишнинг бажарилишида ҳам Олимжоннинг муносиб ҳиссаси бор.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ҳозирги олий ўқув юртларига киришда ҳеч ким Олимжончалик юқори натижага эришмаган. Олимжон магистратурада таҳсил олиш учун Американинг энг нуфузли тўққизта университетига Тошкентда туриб компьютер ёрдамида имтиҳон топширди. Ва оила аъзолари билан натижаларни сабрсизлик билан кута бошлади. Айниқса оила бошлиғи Ҳасан Эшматовнинг ўша дамлардаги ҳолатини тасаввур этиш қийин эмас. У ҳар куни ишдан қайтаркан, дарвозадаги почта қутисига умид билан қарайди. Кутилган хушхабар ҳам ниҳоят етиб келди. Фақат... хушхабарлар қўшалоқ-қўшалоқ эди.

Уларда хабар қилинишича, Олимжон бир йўла Американинг тўққизта университетига ўқишга қабул қилинганди. Қабул комиссияси бошлиқлари номидан келган хатларда бу ҳақда айтилган, эндиги гап Олимжоннинг қайси университетни танлашида, розилигида қолган эди. Мана ўша хатлардан бири:

«Ўзбекистон, 700124 Тошкент, Қодиров кўчаси, 25-уй, 59-хонадон Олимжон ЭШМАТОВга

Ҳурматли ЭШМАТОВ!

***Мен, Сизга мамнуният билан маълум қиламанки, қабул комиссияси ҳужжатларингизни ўрганиб чиқди, Сиз математика мутахассислиги бўйича магистратура дастурига қабул қилиндингиз. Корнелл университети гранти бўйича Сизга 2003-2004 ўқув йили учун 17500 доллар миқдорида стипендия белгиланди. Шу билан бирга Сизнинг соғлиғингизни муҳофаза қилувчи суғурта ҳам кафолатланади ҳамда 2004 йил ёзги таътил даврида 3000 доллар миқдорида Сизга қўшимча маблағ ажратишни зиммамизга оламиз. Шундай қилиб, Сиз биринчи ўқув йили учун жами 20500 доллар миқдорида стипендия оласиз. Бир йилдан сўнг ўқитувчининг ёрдамчиси сифатида ишга жалб қилинасиз. Сизнинг вазифангиз қуйидагилардан иборат бўлади: математик анализ фани бўйича амалиёт дарсини ўтказиш ёки юқори курсда ўтиладиган фанлар бўйича ишларни баҳолашда қатнашасиз. Сизни ушбу ишга жалб этилишингиз инглиз тилини қай даражада мукаммал эгаллашингиз ҳамда университетдаги тайёрлов курсини тамомлашингизга боғлиқ бўлади.*

Кейинги йиллардаги молиявий маблағ Сизнинг университетдаги фанларни ўзлаштиришингизга ҳамда ўқитувчи сифатидаги фаолиятингизга бевосита боғлиқ бўлади. Умуман олганда, университет талабларига жавоб берадиган студентларга 5 йилгача грант маблағлари ажратилади. Биз шу сиёсатни бундан кейин ҳам давом эттирмоқчимиз.

Корнелл университети Нью-Йорк штатининг чиройли Фенгер қўллари ҳудудида жойлашган бўлиб, АҚШнинг кўпгина катта шаҳарларидаги каби маданий имкониятларга эга. Қатъий хулоса қилишингиздан олдин биз Сизга университетимизга ташриф буюришингизни маслаҳат берамиз.

Мен Сизни университет талабаларидан бири бўлишингизни хоҳлардим. Бинобарин, Сиз ўзингизнинг эришган муваффақиятларингиз асосида бошқа университетларга ҳам қабул қилинишингиз мумкин. Сиз ўз расмий жавобингизни тезда маълум қилишингиз керак.

Самимий салом билан
Майкл СТИЛМАН,
қабул комиссияси бошлиғи, профессор.»

Олимжон август ойининг бошларида Америкага жўнаб кетди...



МУНОСИБЛИК ОДИМЛАРИ

Биз юқорида XXI аср ўзбек ёшларининг дунё бўйлаб таралаётган дадил овози, илм манзиллари томон ташлаётган жасоратли қадамлари ҳақида ҳикоя қилдик. Бунинг замирида уч буюк ҳақиқат яширин — ИСТИҚЛОЛ, ОИЛА, ИСТЕЪДОД.

Истиқлол бизга чексиз имкониятлар берди. Бир пайтлар Американи фақат дунё харитасидагина кўрадиган ўзбек боласи мустақиллик шарофати ва Президентимиз ғамхўрлигида дунёнинг исталган ҳудудига бориши, билим олиши мумкин. Ўзимизда яратилган таълим тизими, замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган олий ўқув юртларида илк сабоқни олган ёшларнинг ақл-заковати жаҳон олимларининг ҳайратларига сабаб бўлмоқда. Мустабид тузум йилларида камситиб келинган ўзбекнинг бугунги авлоди, ўзининг ҳеч кимдан кам эмаслигини, кам бўлмаслигини исбот этмоқда.

Биз юқорида истиқлолнинг бир оила тақдиридаги ўрнини кўрсатиб беришга уриндик. Шунингдек, оиланинг жамиятга таъсири, мамлакат ривожидаги роли катталиги, биз ҳам ўз навбатида Ватан, миллат олдида бурчли эканлигимиз, унинг шон-шукуҳи йўлида бедор бўлмоғимиз кераклигини англадик. Улуғ адиб Робиндранат Тагор ёзади: «Қалбимизда миллий ғурур алангаси ҳеч қачон пасайган эмас. Отам мамлакатимизни астойдил ҳурмат қиларди. Отамнинг мана шу ватанпарварлиги оиламиздагиларнинг ҳаммасида ватанга оташин муҳаббат ҳиссини уйғотиб келган». Демак, ота донолиги болалар учун чинакам сабоқдир.

Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда: **«XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин».**

Мана шу сафда истеъдодли ака-укалар — Бахтиёржон, Фарҳоджон ва Олимжон Эшматовларнинг борлиги кўнгилга ёруғлик олиб киради.

Шоир айтганидек:

— Қуллуқ қил, демасман,
Юрт тупроғин ўп,
Унга қуллар эмас,
фидолар керак.
Унинг сену мендек
шоирлари кўп,
Буюк элга энди даҳолар керак...

Фаррух ҲАМРОЕВ

3 4

ҚИШ ОЛДИ ТАШВИШЛАРИ

ЁКИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ БУГУНГИ ИККИ МУАММОСИ ҲАҚИДА

Мамлакатимизда аҳолини табиий газ, ичимлик сув билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Президентимизнинг қатор фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилинган. Тўғрисини айтиш керак, соҳада эришилган ютуқлар билан бирга жиддий хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ўтган 2002-2003 йилнинг қиш ойларида мамлакатимизнинг кўпчилик шаҳар ва туманлари ҳамда овулларида (жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам) табиий газ босими камайиб кетганлиги барчага аён...

ГАЗ БОСИМИ ҚАНДАЙ?

Муратбой НИЗАМОВ, «Қорақалпоқтехгаз» шўъба бошқармаси директори:

— Чиндан ҳам ҳудудимизда 2002 йилнинг декабрь ойидан 2003 йилнинг март ойигача «Газли — Нукус», «Бухоро — Урал» газ магистралида босим камайиб кетганлигидан АГРС (автоматик газ тақсимлаш станциялари)да ҳам босим тушиб кетди. «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан тузилган шартномага мувофиқ табиий газ босими 25-30 атмосфера бўлиши керак эди. Амалда эса ўртача 3-6 атмосферадан ошмади. Тахтакўпир, Қораўзак, Бўзатов, Амударё, Чимбой каби қатор туманларда бу кўрсаткич 0,03-0,6 атмосфера атрофида бўлди, холос. Узоқроқ жойлашган участкаларда босим умуман етишмади. Нукус шаҳрининг шимолий ҳудудида жойлашган Эски шаҳар, Саманбой, Саранча, Қизкеткен сингари ва бошқа посёлкаларда, шунингдек, ўнлаб кўчаларда газ таъминоти бугунгача ҳам муаммо бўлиб қолмоқда.

Вазиятдан чиқиш учун бошқармамиз жамоаси ибратли ишларга қўл ураяпти. Масалан, ҳудудни доимий газ босими билан таъминлаш мақсадида эскирган, ишдан чиққан, яроқсиз газ тармоқларини ўзгартириш ҳамда таъмирлашга киришдик. Нукус шаҳрининг Кумовул посёлкасида узунлиги L-2 километр d-219 миллиметрли газ тармоғида халқалаш ишлари ниҳоясига етди. Водник посёлкасида ўрта босимли d-219 миллиметрли (узунлиги L-2,9 километр) газ тармоғи ҳам халқага уланди. Бу каби ишлар Чимбой туманидаги «Қизил-ўзак» деҳқон-фермер хўжалигида, Хужайли туманидаги Ш.Рашидов, Қонликўл туманидаги Бегжап посёлкаларида, Кўнғирот туманидаги Ажиниёз номидаги, «Хоразм» хўжаликларида, Беруний туманидаги «Озод» фермер хўжалиги уюшмасида ва Бўзатов тумани овулларида ҳам шундай ишлар амалга оширилди.

Ҳозир Қорақалпоғистон бўйича 11,8 минг километр газ тармоғи бўлиб, шундан 1070 километри юқори босимли, 2675 километри ўрта босимли, 8100 километри эса паст босимли газ тармоқларидир. Шу йилнинг ўтган ойларида 742 хўжаликка 44 километр газ тармоғи янгидан фойдаланишга топширилди. 2003-2004 йилларнинг кузги-қишки иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш тадбирлари аниқ белгилаб олинди. Тармоқдаги 2697 та ГРП техникавий текширувлардан ўтказилди. 100 километр ер ости газ тармоқлари махсус ускуналар ёрдамида назоратга олинди. 9,4 километр узунликдаги тармоқ шахобчалари капитал таъмирдан чиқарилди.

Аҳолининг табиий газга бўлган талабини янада яхшилаш мақсадида «Урганчтрансгаз» корхонаси томонидан Амударё тумани «Тўлқин» деҳқон-фермер хўжалигида автоматик газ тақсимлаш станцияси қурилиши фойдаланишга топширилди. Шу кунларда Беруний туманидаги «Қизил қалъа» ва Тўрткўл туманидаги Кумбосган посёлкалари ҳамда бошқа бир қатор туманларнинг ҳудудларида автоматик газ тақсимлаш станциялари қурилишлари илдам бормоқда...

Шўъба бошқармаси директори ҳикоя қилган бу ишлар ижросига эътирозимиз йўқ. Бироқ, тўғрисини айтганда, табиий газдан тежаб-тергаб фойдаланишнинг ягона йўли — газ ўлчагич аппаратларидан фойдаланишга ҳали етарли аҳамият берилмаяпти. Масалан, ҳозиргача Қорақалпоғистонда бор-йўғи 22 минг 984 дона газ ўлчагич аппаратлари ўрнатилди, холос. 206 минг 438 хонадон газлаштирилган бўлиб, уларда газ ўлчагич аппаратлари ўрнатиш ишлари атиги 26,3 фоизга бажарилди.

Айни шу кунларда «Бошкоммунгаз» давлат корхонаси газ ўлчагич аппаратлари билан таъминлашни ўз зиммасига олиб, хўжаликларга шартнома асосида кредитга қуриб бериш ишларини бошлаб юборди. Аппаратлар эса пойтахтимиздаги қўшма корхоналар орқали Хитой Халқ Республикасидан келтириляпти. Бироқ, улар жуда қимматга тушмоқда: бир дона аппарат баҳоси — 28-32 минг сўм. Уни ўрнатиш баҳоси — 6134 сўм, лойиҳа-смета баҳоси эса минг сўм. Тегишли ташкилотлар улар баҳосини қайта кўриб чиқса, чакки бўлмасди...

Долзарб мавзу

ИЧИМЛИК СУВ — ҲАЁТИЙ МАСАЛА

Аҳолини қишин-ёзин бир меъёрда ичимлик суви билан таъминлаш — долзарб вазифалардан бири. Қатор шаҳар, туман ва посёлкалар марказларида бунинг ижроси бир қадар изга тушгандек кўринади. Лекин, негадир, бу ҳол олис қишлоқлар ва овулларда ҳозирча суст кечаяпти.

Мақсет ЕРЕЖЕПОВ, Қорақалпоғистон Республикаси «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси директори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қурувчи:

— Сув ўлчагичларни ўрнатишда анчагина муаммолар бор. Нукус шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг аксариятида сув қувурлари эскирган. Уларни тўла ва бутунлай алмаштириш керак. Республика коммунал-фойдаланиш бирлашмаси 1991 йилдан 2002 йилгача қурилган 18 та кўп қаватли уйларда капитал таъмирлаш ишларини амалга оширди. «Сувоқава» бошқармаси томонидан 62 та уйга сув ўлчагич асбоблари ўрнатилди. Ваҳоланки, капитал таъмирдан чиқмаган уйларга сув ўлчагич асбоблари қуриш анчагина маблағ ва вақт талаб қилмоқда. Фақатгина шу йилнинг ўзида сув ўлчагичлар сифатсизлиги ва носозлигидан 500 истеъмолчидан шикоят хати олинди.

Гап харажатлар хусусида кетадиган бўлса, бунга сабаб энергия ресурслари тарифларининг тез-тез ўзгариб ва ошиб боришидир. Масалан, бу ердаги асосий сув таъминотчи — «Туямўйин — Нукус» бошқармаси жорий йилнинг биринчи июлидан бошлаб бериладиган сув учун тарифни 74 фоизга, «Туямўйин-Урганч» бошқармаси эса 12 фоизга кўпайтириб юборди. Ҳолбуки, бундай тариф ўзгаришларидан қатъи назар «Сувоқава» бошқармаси кейинги 1,5 йил давомида ўз хизмат тарифларини ўзгартиргани йўқ. Шу боис, бошқарма 2001-2002 йиллар ва шу йилнинг ўтган ойларини 230 миллион сўмликдан ҳам кўпроқ зарар билан якунлади.

Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳамда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг минтақавий сув ҳавзаларида ҳам сув нархини мувофиқлаштириш, Кўнғирот техник сув таъминот бошқармаси тарифларини камайтириш, Кўнғирот шаҳри аҳолисига ва барча корхоналарига хизмат кўрсатишни ушбу бошқармага юклаш масалаларини ҳал қилиш пайти келди, деб ўйлаймиз.

Бошқармамиз 2003-2004 йиллардаги кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини жадал бошлаб юборган бўлсада, ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, бошқарма бўйича 1020,2 километр водопровод тармоқлари (жумладан, 220,3 километр водопровод) бор. Улардан фойдаланиш муддати тугаганлиги ва ер ости сувлари таъсири туфайли 401,3 километр водопровод тармоғи ҳозир авария ҳолатида турибди. Уларни ўз кучимиз билан қайта тиклаш учун маблағимиз етишмайди. Шаҳарлар ва туман марказлари аҳолисининг 78 фоизи марказлаштирилган сув таъминотига эга бўлиб, қолган 22 фоизи ичимлик сув танқислигидан қийналмоқда. Бунинг учун 2010 йилгача аҳолининг демографик ўсиш даражасини ҳисобга олган ҳолда янгидан 672 километр водопровод тармоқлари ётқизиш керак. Лекин машина ва механизмлар етишмайди, мавжуд техникаларнинг хизмат муддатлари аллақачон тугаган.

Яна бир гап: шаҳар аҳолиси ичимлик сувидан ўз томорқаларини, полизларини суғориш учун фойдаланаётганлиги — кўплаб исрофгарчиликка олиб келаяпти. Чунки, шаҳарларда ва туман марказларида ирригация тармоқлари сўнгги йиллар бир қадар тартибга келтирилган бўлса-да, ариқлардан берилаётган сув етарли эмас, улар ҳатто кўча ариқларига ҳам етиб бормаяпти. Республика пойтахти Нукус шаҳрининг ўзида баҳор ва ёз мавсумида сувдан фойдаланиш ҳажми кескин кўпайди. Қиш мавсумида Нукус шаҳрига бир кеча-кундузда ўртача 60 минг куб метр сув бериладиган бўлса, ёз мавсумида бу кўрсаткич 140 минг куб метрдан ошиб кетди. Натижада, жазирама иссиқ кунлари «Таслақ», «Саманбай», «Саранча» сингари аҳоли пунктлари ва кўп қаватли уйларнинг 4-5-қаватларига сув етарли даражада етиб бормади. Масалани ижобий ҳал қилиш учун шаҳар раҳбарлари ва манфаатдор ташкилотлар бу ишга жонкуярлик билан ёндашишлари, қолаверса, маҳалла кенгашлари ва кенг жамоатчилик шаҳар ирригация тизимини яхшилашнинг барча имкониятларидан фойдаланиш йўлларини изламоқлари керак...

Жолдас ОТЕГЕНОВ, «Қорақалпоқ овул хўжалик сув тармоқлари» трести бошқарувчиси:

— Трестимиз асосан Қорақалпоғистон Республикаси овуллари аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш бўйича иш олиб боради. 365,8 минг нафар аҳоли марказлашган ичимлик сув билан тўла таъминланган. Бу — республика овуллари аҳолисининг 46,1 фоизини ташкил этади, холос...

Тасарруфимиздаги бошқармалар кучи билан сув иншоотларининг санитария ҳолатларини яхшилаш мақсадида республика санитария-эпидемиология бўлимлари билан йил давомида (шартнома асосида) 1150 та водопровод қудуғи, 90 та ичимлик суви заҳиралари тозаланди. Тўрткўл, Кегейли, Кўнғирот, Беруний, Тахтакўпир, Чимбой, Нукус, Амударё, Шуманай, Элликқалъа туманларида «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси томонидан хайрсаховат ёрдами сифатида юборилган 21775,4 минг сўмлик 19 та электр сув насослари қурилди.

Ечимини кутаётган навбатдаги муаммолардан бири — фойдаланилаётган сувга овуллар аҳолисининг пул тўлаш имконияти бўлмаётганлигидир. Шу боис, тестимизнинг молиявий ҳолати паст даражада турибди. Таъмирлаш ишларини олиб бориш, эскирган, ишдан чиққан сув тармоқларини янгилаш учун сув қувурлари, насослар ва бошқа хил энг керакли эҳтиёж қисмлар сотиб олиш имкони бўлмаётир...

ХУЛОСА:

Хуллас, Қорақалпоғистон Республикаси коммунал хизмати кўрсатиш доирасида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек бораяпти, деб бўлмайди. Газ босими билан таъминловчи — «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси (раҳбари З.Ботиров) магистрал трассадан газ ўтказгич қурилмаларни капитал таъмирлаш ишларини олиб боришда сусткашлик қилмоқда. Очиғини айтганда, ўтган йилги хато ва камчиликлар бу йил ҳам такрорланаяпти.

Савол туғилади: бу йил қиш кунлари газ босими бир меъёрда таъминланадими, ёки ўтган йилдагидек яна шикоятбозлик давом этадими? Тегишли масъул ташкилотлар, идоралар ва уларнинг раҳбарлари мазкур саволга жўяли бир жавоб беради, деган умиддамиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Муаммо, тажриба, мулоҳаза

«ЎЗАГРОМАШСЕРВИС»: ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

СУҲБАТДОШИМИЗ — «ЎЗАГРОМАШСЕРВИС» УЮШМАСИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ САИДАҲМАТ СУЛТОНОВ

— Суҳбатимизни МТП ва унинг хизматидан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатдан бошласак. Дейлик, деҳқон: «МТП хизмати қиммат, буюртмангни вақтида ишлаб бермайди» дейди. МТПнинг ҳам деҳқондан норозилиги бор — пулни вақтида тўламайди... Ана шу ҳолатларнинг юзага келиш сабаблари ҳақида фикрингиз...

— Ҳозир республикада 343 та машина-трактор парки фаолият кўрсатаяпти. Булардан 184 таси «Ўзагромашсервис» уюшмасига қарашли, 159 таси эса муқобил машина-трактор парклари. Ўтган йил уюшмамиз тизимидаги МТПлар 38093 та жамоа, ширкат ва фермер хўжаликлари билан механизация ёрдамида бажариладиган ишларга 82534 миллион сўмлик шартномалар тузди. Бажарилган иш миқдори 94838 миллион сўмлик, яъни 114 фоиз бўлди.

Кам ҳосил олаётган, даромадлари харажатларини қопламаётган хўжаликларнинг МТПлар хизмати учун тўловлари муаммосида ҳали тўла ечим бўлмаяпти. Уларда ўзларининг деярли техникаси йўқ. Шу боисдан ҳам МТП хизматига ўта муҳтож: МТПсиз на ерини ҳайдай олади, на ғалласини ўриб олади. Бугунги дебитор қарзларининг асосий қисми ҳам ана шу хўжаликларда.

Масалан, Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Оқ олтин» ширкат хўжалиги ўтган йили 381 гектар майдонга ғалла экиб, 235,8 тонна ғалла етиштирган, ҳосилдорлик режадаги 20,7 центнер ўрнига 6,2 центнерни ташкил қилган. Хўжалик буғдой топшириш режасини 29,8% га бажарган. МТП бажарган иш ҳажми эса 18,9 млн. сўм бўлган. Хўжалик бажарилган иш учун МТПга 1,9 млн. сўм тўлаб берган, холос.

Тан олиш керак, четдан олиб келинган «Магнум» тракторлари ва «Кейс» ғалла ўриш комбайнларида бажариладиган ишлар нархи бирмунча қиммат. Бу техникалар учун тўловлар вақтида бўлмаётганлиги сабабли юқоридагидек аҳвол юзага келган. Ҳозир дастлаб олиб келинган қимматбаҳо, юқори унумли техникалар пули тўлаб бўлинганлиги туфайли хизмат баҳоларини барқарорлаштириш имконияти туғиляпти.

— Ҳозир бақувват фермерлар ўз техникаларига эга. Улар нафақат ўз даласига, балки қўшни фермерларга ҳам хизмат кўрсатяпти. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси ҳам техника сотиб олиш истагидаги деҳқонлар учун кенг имкониятлар эшигини очган. Демак, ҳозирча у қадар билинмаётган рақобатнинг яқин вақт ичида кучайиши шубҳасиз. Бу эса хизмат ҳақини арзонлаштириб ва иш сифатини ошириш лозим бўлади, дегани. «Ўзагромашсервис» шу вазиятга тайёрми?

— Биз бу вазифани ҳозир мавжуд техникаларимиз ёрдамида амалга ошириш борасида дастлабки қадамлар қўйдик. Амалда қўлланилаётган шартномаларга мувофиқ, импорт техникаларда бажарилаётган механизация ишларининг хизмат баҳоси 1 гектар ерда бажарилган ишга нисбатан белгиланмоқда. Бунда илгари техника ресурсига таъсир этувчи бир қатор омиллар, яъни МТПдан хўжаликкача бўлган масофа, экин майдонларининг ўлчамлари, тупроқнинг физик-механик хусусиятлари ва қўшимча сарф-харажатлар ҳисобга олинмасди. Бугунги кунда бундай ҳолатларга техникани мотосоатда ишлатиш йўли билан барҳам бериш мумкин. Ҳозирча «Магнум» русумли тракторларда бажариладиган ишлар ҳисобини тажриба тариқасида мотосоатга ўтказмоқчимиз. Мақсад — тракторнинг бир мотосоатда бажарган ишини назоратга олиш, бажарилган ишлар таннархини аниқ ҳисоблаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

2001-2002 йилларда Самарқанд вилояти Жомбой тумани машина-трактор паркида «Магнум» тракторларида бажарилаётган ишларни мотосоатда ҳисоб-китоб қилиш бўйича тажриба ўтказдик. Якуни яхши бўлди: 2001 йил бир мотосоатда 1,12 гектар ер ҳайдалган бўлса, 2002 йил бу кўрсаткич 1,24 гектарга етди. Ўтган йили республика миқёсида бу кўрсаткич 0,82 гектарни ташкил қилган.

Яна бир жиҳати — бу усулда трактор операторига берилаётган иш варақасида техниканинг МТПдан чиққан ва кирган вақтидаги мотосоат белгиланади. Буюртмачи томонидан берилган маълумотномада эса неча мотосоатда қанча иш бажарилганлиги кўрсатилади. Шунингдек, бу усулда дала шароити қандай бўлишидан қатъи назар, тракторнинг ҳар бир ишлаган мотосоатига ҳақ тўланади ва унинг бекор юришига ёки «чап»га кетишига чек қўйилади. Тракторнинг буюртмани бажариши устидан назорат кучаяди ҳамда техникага қачон сервис хизмат кўрсатилишини белгилаш осонлашади.

Буларнинг ҳаммаси МТПнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашга хизмат қилиб, янги техниканинг фаолият майдонини кенгайтиради ва нархларни арзонлаштиради. Бу усулда буюртмачи ҳам биздан кам фойда кўрмайди. У юқори сифатли хизматни талаб қилиши билан бирга ёнилғи сарфини ҳам назоратга олади. Буюртмачи ўз зарарига ишлайдиган маълумотномалардан тийилиб, иш тўлиқ ва сифатли бажарилгандан кейингина далолатнома беради. Бу йил, масалан, 12 та МТП ана шу усул асосида ишлашга ўтяпти.

— Деҳқон энг кўп мурожаат қиладиган муҳим бўғинлардан бири — Сиз раҳбарлик қилаётган уюшма корхоналари ҳисобланади. Шартнома шартларининг бажарилиши бўйича жуда кўп ва хилма-хил фикрлар бўлиши табиий...

— Мен сизга бир неча ҳолатларни тасвирлаб берсам, сиз айтган фикрларнинг келиб чиқиш сабаблари аёнлашади, деб ўйлайман. Қишлоқ хўжалиги мавсумлари — ер ҳайдаш, ўрим-йиғим ишлари бошланганида МТПлардаги импорт техникаларнинг «хўжайинлари» кўпаяди. Маҳаллий раҳбарлар «бугун техникангни фалон жойга юбор» деб буйруқлар беришади. МТП раҳбари эса «бугун техникам шартнома бўйича у ерда эмас, бошқа жойда ишлаши керак» демайди, буйруқни бажаради. Бу билан мен МТП ишчи-хизматчилари — акциядорларнинг манфаатлари кўп жиҳатдан МТП раҳбарига, унинг ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан билимдон эканлигига боғлиқлигини таъкидламоқчиман.

Аммо, пахтанинг кеч очилганини рўкач қилиб, машиналарда терилиши лозим бўлган майдонлар қўл кучи билан терилганда кимни айблаш мумкин? Саводли, оқ-қорани таниган, шартномани пишиқ-пухта қилган одам ҳар қандай вазиятда ўзига етказилган зарарни жавобгар томонга қоплата олади. Ўтган йил уюшмамиз тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзларини ундириш бўйича хўжалик судларига 1129 даъво аризаси киритилди. Судлар 665 ҳолатда ижобий қарор қабул қилиб, жавобгарлардан 6586970 минг сўмлик жарима ундириш ҳақида ажрим чиқариб берди. Бизга нисбатан эса буюртмачилар томонидан худди шу мазмунда 95 та даъво аризаси киритилди. Уларнинг 84 таси ижобий ҳал қилинди. Бу рақамларни келтириш билан буюртмачи ва МТПлар орасидаги муносабатларда кўпроқ МТП азият чекаяпти, демоқчимасман. Қарс икки қўлдан ахир...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг 4 сентябрдаги 383-сонли «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ва шу қарор асосида қабул қилинган низомда шартнома тузувчи томонларнинг масъулияти аниқ белгилаб берилган.

Ушбу низомда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар тузишда нималарга аҳамият беришлари яққол кўрсатилган. Жавобгарликдан қутулиш йўли йўқлигини билган томонлар масъулиятни ҳис қилишлари турган гап. Бунда бир нарсани ёддан чиқармаслик керак: деҳқон бой бўлсагина унга хизмат кўрсатувчи ҳам бойийди...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИККИ ЙИЛДА ҚУРОЛСИЗЛАНТИРАДИ

Афғонистон ҳукумати мамлакатдаги 100 мингга яқин ноқонуний қуролли гуруҳлар вакилларини қуролсизлантириш бўйича ишлаб чиқилган янги дастурини кейинги икки йил давомида амалга оширишни кўзлаб турибди, дейилади BBC News хабарида. Ва бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди. Бу ҳақда мамлакат Президенти Ҳамид Карзай Кундузда ўтказилган 1000 нафар жангарининг қуролларни топшириш маросимида баёнот берди.

Аммо шуни таъкидлаш лозимки, гарчи дала командирлари Кобул билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирсалар-да, Карзай томонидан ишлаб чиқилган мазкур дастур тўлиқ амалга ошишига шубҳаю гумонлар билан қаровчилар кўпчиликни ташкил этади. Негаки, маълумотларга қараганда, шу кунларда Афғонистонда расмий ҳукумат назоратига олинмаган 400 мингга яқин жангари мавжуд.

Лекин нима бўлгандаям дастур дастлабки натижасини бера бошлади. Яъни, юқорида айтилганидек, икки кун аввал 1000 нафар жангари қуролларини топширган. БМТ кўмаги остида амалга оширилаётган қуролсизланиш дастури жангариларга бир қанча ён босишларни назарда тутади: қуролларини топширганларга маълум миқдорда пул берилади, кийим-кечак ва озиқ-овқат таъминотида алоҳида имтиёзлар берувчи ҳужжатга ҳам эга бўладилар. Бундан ташқари улар махсус суҳбатдан ўтказилгач, иш билан таъминланади.

ЭЛЧИХОНА ИОРДАНИЯГА КЎЧИРИЛДИ

Болгариянинг «24 часа» газетаси хабар беришича, мамлакатнинг Бағдоддаги элчихонаси тезкорлик билан Иордания пойтахти Оммонга кўчирилган. Сабаб: террор таҳдиди.

Бета агентлигининг маълум қилишича, АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси Болгариянинг Бағдоддаги элчихонасида қарши кучлар томонидан террорчилик акти содир этишга тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида элчихона ходимларини огоҳлантирган. Маълумки, шу йил август ойида Иордания элчихонасида шундай террор содир этилганди.

Разведка маълумотларида қайд этилишича, тайёргарлик кўрилаётган террор ортида «Ал-Қоида» террорчилик гуруҳи билан алоқадор бўлган «Ансар ал Ислом» гуруҳи турибди.

Нима учун элчихонада террор содир этиш режалаштирилганлиги масаласи ҳақида шуни айтиш мумкинки, Ироқдаги ҳарбий операция чоғида Болгария фронт ортида туриб ёрдам берган, Ироқдаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Ҳозир Кербала шаҳрида Болгария ҳарбий батальони хизматни давом эттирмоқда.



МУЗОКАРАЛАРНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ

Ҳиндистон пойтахтида Ҳиндистон — Хитой чегаралари масаласига бағишланган музокаларнинг биринчи босқичи якунланди. Унда Ҳиндистон бош вазирининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Бражеш Мишра ва Хитой ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Таи Банго қатнашдилар. Шунингдек, Банго Ҳиндистон бош вазири Атал Бихари Важпаи ҳамда ташқи ишлар вазири Яшвант Синх билан ҳам учрашди. Музокаралар якунида томонлар ўзаро ҳамкорлик ҳақида қўшма баёнот эълон қилдилар. Унда таъкидланишича, чегара масалалари юзасидан кейинги босқичдаги музокаралар томонларнинг келишувига кўра, уларни қониқтирган вақтда Пекинда ўтказилади.

Музокараларнинг диққат марказида 4 минг километрдан ортиқ масофага чўзилган чегаранинг марказий, ғарбий ва шарқий қисмлари (Ҳиндистон — Хитой умумий чегарасининг учдан икки қисми) турибди.

Бу борада олий даражадаги давлатлараро музокараларни бошлашга шу йил июнь ойида Индонезиянинг Бали оролида бўлиб ўтган АСЕАН саммити доирасидаги учрашувда Ҳиндистон бош вазири Атал Бихари Важпаи Хитой бош вазири Вэнь Цзябао билан келишиб олган эдилар.

Маълумки, — дея хабар беради «Новости» ахборот агентлиги, — Ҳиндистон ва Хитой чегараларидаги ҳудудий тортишувлар 40 йилдан ортиқ вақтдан бери, яъни 1962 йили рўй берган Ҳимолай ҳудудидаги қуролли можаро сабаб давом этиб келмоқда.

ПРОФИЛАКТИКА КУЧАЙТИРИЛИШИ ЛОЗИМ

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Хитойни мамлакат жанубида ғайриоддий зотилжам касаллиги яна қайтадан тарқалмаслиги учун тиббий профилактика ўтказишни кучайтиришга чақирди. Ташкилот маълум қилишича, Хитой ушбу муаммони ҳал этиш заруратига кўп ҳам эътибор бермаётган ҳоллари учраб турибди, дейилади Kyodo агентлиги тарқатган ахборотда.

ТУҒИЛИШ КАМАЙГАН

«Танюг» агентлигининг хабар беришича, Венгрияда туғилиш камайиб бормоқда.

Венгрия Марказий статистика бошқармаси берган маълумотларга қараганда, шу йилнинг беш ойи давомида мамлакатда 38 минг чақалоқ туғилиши қайд этилган (Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 фоиз кам). 60 минг киши эса ҳаётдан кўз юмган (ўтган йил шу даврига нисбатан 7 фоиз кўп).

Шуни таъкидлаш лозимки, туғилишнинг камайиши ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланган. Агар туғилиш шу суръатда камаяверса, у ҳолда яна уч йилдан сўнг аҳоли сони 10 миллиондан камайиб кетади.

Шу йил май ойида Венгрия аҳолиси 10 миллион 121 минг нафарни ташкил этган.

ЮРТИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Қизилтепа туманидаги Ванғози қишлоғи марказида Тошмачит деб аталувчи тарихий-меъморий ёдгорлик мавжуд. Бу мажмуа тарихи тўлиқ ўрганилмаган.

Тошмачит ўн олтинчи асрда бунёд этилиб, Хўжа Саид Вақҳос (Хўжагон тариқатининг пешвоси сифатида машҳур эди) маблағи эвазига қурилган. Тошмачит аввал ёғочдан тикланиб, сўнгра пишиқ ғиштдан қайта қурилган. Ташқи деворларидаги 17 та майда туйнук ва икки ён томондан 9 та эшиклар бино ичини ёритиб туради.

Бино тўғри бурчак шаклида бўлиб, икки хона, меҳроб, икки қанотли гумбаздан иборат. Унинг ёнида ниҳоятда гўзал услубда қурилган минора, мадраса ва ҳаммом бўлганлиги учун обидани мажмуа деб аташган. Афсуски, шўро даврида бу ноёб обида қаровсиз ҳолга келиб қолган. Ундан омборхона сифатида фойдаланилган.

Мамлакатимиз мустақиллиққа эришгач, Тошмачитни асл ҳолига қайтариш учун кўп ишлар қилинди. Хусусан, обидани тез ва соз таъмирлашда Навоий вилояти ва Қизилтепа тумани ҳокимлиги ташаббускор бўлди.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли таъмиршунослик институти, Навоий вилояти тарихий ёдгорликларни қўриқлаш идораси, «Меъмор» хиссадорлик жамияти маблағ тўплаш, лойиҳа тузиш, уни таъмирлашда бошқош бўлди. Аҳмад Боймуродов бошлиқ ўймакору ганчкорлар, Шавқи Гадоев бошлиқ Бухородаги 51-МПМК очиқ турдаги хиссадорлик жамияти, шунингдек, Қизилтепа туманидаги ўнлаб корхона, ташкилот, хўжаликларининг ҳам хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

Суратда: Қизилтепа туманидаги Тошмачит ёдгорлигининг кўриниши.

С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат

Биз билган ва билмаган тарих

ТОЛЕРАНТЛИКНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

«Толерант» сўзи кейинги йилларда жаҳоннинг кўп тилларига кириб борди. Бу сўзнинг луғавий маъноси — фикр эркинлиги, бағрикенглик, тантилик, ўзга фикрга, ҳаёт тарзига сабр-тоқат билан қараш, кечиримли бўлмоқдир. Содда қилиб айтганда «ўзини эр билиб, ўзгани шер билмоқ» маъносида ҳам ишлатилади.

Шу ўринда XVI асрда битилган бир муҳим сиёсий ҳужжат билан танишиб, уни «толерантлик тимсоли» дейишга жазм қилдик. Бундан бир неча йил муқаддам «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Махфий васиятнома»си илк бор эълон қилинган эди. Орадан бир мунча вақт ўтгач бу ҳужжат «Бобурнома» асарининг 2002 йили чоп этилган нашрига илова сифатида киритилди. Форсийда ёзилган васиятномани ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида юқоридаги икки манбада афсуски, бир оз тахририй тафовут мавжуд.

Бу нодир ҳужжат узоқ даврлардан буён номаълум эди. Шаҳзода Ҳумоюнга қаратилган бу номада мулоҳазага даъват қилувчи шундай ҳикматли сатрлар бор: «Салтанатнинг мустаҳкам бўлиши учун бу махфий васиятнома тузилди. Эй фарзандим, Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан ташкил топган. Аллоҳ таоло Сизга бу юртни каромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан дилингизни пок тутинг. Ҳар мазҳабнинг тариқасига адолат қилинг. Хусусан, ҳинд элининг қалбини қўлга киритаман десангиз, сигирни қурбон қилишдан ўзингизни сақланг. Бу яхшилигингиз эвазига аҳолининг қалби сизга яқин бўлади.

Қўлингиз остидаги ҳар қавмнинг ибодатгоҳлари ва бошқа муқаддас жойларини хароб этманг. Шундай одилликни ихтиёр қилингки, подшоҳ раъиятдан ва раъият подшоҳдан хотиржам бўлсин. Исломнинг тараққиёти зулм тиғи билан эмас, эҳсон йўли билан яхши бўлади. Аҳли суннат ва шиаларнинг икир-чикирларидан четда бўлинг. Турли эътиқоддаги элатларни тенг тутинг.»

Ушбу фикрларни изҳор этаркан, Мирзо Бобур «Тўрт унсур» иборасини ишлатади. Маълумки, бу унсурлар — ер, сув, ўт ва ҳаводир. Табиатда булардан бири кам бўлса ҳаёт уйғунлиги бузилади, дейди. Раъият қалбларини шу тамойилни инобатга олган ҳолда маҳкам тутинг, шунда салтанат ҳар хил ташвишлардан холи бўлади, деб хулоса қилади Бобур.

Васиятномада яна бир муҳим масала олға сурилади: ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингизда бўлсин. Шунда подшоҳлик маъмур ва пухта бўлади, деб таъкидлайди шоҳ. Ушбу мулоҳазаларни сизга етказиш бизнинг бурчимиздир, деган сўзлар билан васиятнома якунланади.

«Махфий васиятнома» саҳифасининг ўнг томонида доира ичида «Подишоҳ Баҳодир Ғозий Заҳириддин Муҳаммад Бобур» деб нақшланган муҳр босилган. Сўнг имзо ва 1529 йил 11 январь санаси кўрсатилган.

Бу ҳужжат битилгандан деярли икки йил ўтгач — 1530 йил декабрда Бобур шоҳ вафот этади. Тахтга унинг 22 ёшли тўнғич ўғли Насриддин Муҳаммад Ҳумоюн ўтиради.

Кўриниб турибдики, Бобурнинг «Махфий васиятнома»си салтанатни идора қилиш сир-асрорлари, панд-насиҳат, йўл-йўриқлардан иборат. Чамаси, шу сабабдан у махфий саналган. Чунки Ҳумоюннинг тахтга ворислиги сир эмас эди. Бобур умрининг охирги йилларида яқин қариндошлари ва сарой аъёнларига бу ҳақда бир неча бор айтганлиги тарихдан маълум.

Васиятнома аввало доно шоҳнинг валиаҳдга, дилоро отанинг севимли фарзандига қалб қўри билан битган номасидир. Унинг мазмуни эса йирик сиёсий арбобнинг юрт тинчлиги, осойишталиги, ривож топиши хусусидаги энг муҳим омилларни ўз ичига олган. Айни пайтда Ҳиндистоннинг шарт-шароитлари, ўзига хос хусусиятлари, удумлари инобатга олинган. Васиятнома юрт ворисини турли дин ва мазҳабларга нисбатан холис бўлишга, сабр-тоқат билан иш тутишга, турли қавм ва элатларнинг ўзаро тотувликда бўлмоғини таъминлаш борасида адолат ва инсоф доимо устун бўлишига даъват этади.

Мирзо Бобурнинг бағрикенглиги, тантилиги, сахийлиги васиятнома мазмунидан яққол кўриниб турибди. Донишманд шоҳ ўғлига васият қилар экан, салтанатни идора қилишда Амир Темурнинг ҳукмдорлик услубини ўрганиш лозимлигига эътиборни қаратади.

Бобурийлар даврида Ҳиндистонда моддий ва маънавий маданият, ҳунармандчилик кенг ривож топган. Шу боис ҳам кўпчилик ҳинд тарихнавислари Бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврни олтин давр, деб ҳисоблайдилар.

АҚШ олими Гарольд Лэмб ўзининг 1961 йилда Нью-Йоркда чоп этилган «Бобур — Йўлбарс» асарида «Бобур Ҳиндистонда феодал парокандаликка барҳам берди, диний низоларни даф этди ва буюк империяга асос солди. Унинг салтанати ўтмишга нисбатан келажак истиқболига пешкаш эди», — деб ёзади.

Инглизлар асоратидан қутулиб мустақилликка эришган Ҳиндистон Республикасининг биринчи раҳбари Жавоҳарлаъл Неру Мирзо Бобурнинг доно давлат арбоби бўлганлигини бир неча бор таъкидлаб, унинг инсонпарварлигига урғу берганлиги ҳам бежиз эмас.

1995 йили ЮНЕСКОнинг бош конференциясида «Толерантлик тамойиллари декларацияси» қабул қилинди. Унга жаҳоннинг 185 давлати, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам амал қилинади. Бу Баённома жаҳон аҳлини миллий, ирқий, диний ва тил эркинлигига таҳдид солаётган зўравонликларнинг олдини олишга, уларга йўл бермасликка чақиради, одамларни тотув яшашга даъват этади.

Абдулла АБДУНАБИЕВ,
Гулистон ЮСУПОВА,
Тошкент ахборот технологиялари университети ўқитувчилари.

Янги китоб

«ОЛОВҚАЛБ ОДАМЛАР»

Мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтиришга ҳисса қўшаётган, Ўзбекистонимизни дунёга таниттираётган ҳамюртларимизнинг фидокорона меҳнат намуналарини кенг тарғиб этиш бугун ижодкорлар олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Таниқли журналист Ориф Омоновнинг «Оловқалб одамлар» (Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2003) номли китоби худди шу йўлдаги бир саъй-ҳаракат сифатида дунёга келди. Ушбу китобда айнан мустақиллик туфайли мамлакатимиз иқтисодининг асосий тармоғига айланган нефть ва газ соҳасида меҳнат қилиб, эл ичида ҳурмат қозонаётган ватандошларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Китоб сўзбошисида таъкидланганидек, кейинги ўн-ўн икки йил ичида мамлакатимизда табиий газ ва нефть ишлаб чиқариш қарийб 3-3,5 баробар ўсди. Муҳими, энергетик ресурсларнинг ишончли мувозанати таъминланди, ҳатто уни хорижга экспорт қилиш имконияти вужудга келди. Айниқса, ёқилғи-энергетика ресурслари мустақиллигини таъминлашда тармоқнинг асосий етакчи жамоалари — «Муборакнефтгаз» нефть ва газ конлари унитар корхонаси ҳамда Муборак нефтни қайта ишлаш заводларининг ҳиссаси катта.

Муаллифнинг ушбу китобида юқоридаги иккала завод жамоасида узоқ йиллик ҳалол меҳнати эвазига обрў-эътибор топиб, эл назарига тушган ишчи-хизматчиларнинг меҳнат фаолиятлари, қувончи-ю ўй-ташвишлари тасвирланган лавҳа ва очерклар ўрин олган. Дарҳақиқат, бу фидойи инсонлар орасида мамлакатимизнинг қатор олий нишонлари совриндорларини, эндиликда қаҳрамонга айланган саноатчиларни, шунингдек, кечагина олийгоҳни битириб заводда иш бошлаган ёш, умидли мутахассис-кадрларни кўриш мумкин.

Китобда воқеалар муаллиф томонидан эмас, айнан қаҳрамоннинг ўз тилидан ҳикоя қилинади. Ўқувчи у билан танишиш жараёнида яна бир жиҳатни осонгина илғаб олади: одатда кўпчилик учун жўн, зерикарли туюладиган йиллар ва воқеалар тизмаси бадиий буёқлар воситасида образли тасвирланган. Бу барча ҳикояларда бирдай кўзга ташланмаса-да, муаллиф бир нарсани, яъни китобнинг илмий-публицистик моҳиятини бадиийлик либоси ёрдамида ўқувчига янада тушунарли бўлишини назарда тутганидан далолат беради.

«Муборакнефтгаз» ва Муборак газни қайта ишлаш заводларининг солномалари, шунингдек, тармоқ ҳаётини акс эттирувчи фотосуратлар ҳам ўрин олган.

Хулоса тарзида айтадиган бўлсак, чинакам оловқалб одамларнинг масъулиятли ва шарафли меҳнатлари тасвирланган ушбу тўпламда мамлакатимиз иқтисодининг гигант жамоаси бўлмиш ҳар иккала заводнинг қарийб ярим асрлик фаолияти ҳужжатли, илмий-оммабоп тарзда ёритилиши билан бир қаторда, мустақиллик кишиларининг истиқлол орзулари ва қувончлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ

ЎЗБЕК ҚЎШИҚЧИСИ — АВСТРИЯДА

Венанинг "Szene Wien" концертлар залида Ўзбекистон Республикасининг Австриядаги элчихонаси кўмагида халқимизнинг севимли хонандаси Севара Назархон ўзининг қўшиқлар дастурини намойиш этди.

Ушбу концерт Европа маданий маркази бўлмиш Венада ўзбек мусиқасининг янграшини бошлаб берди.

Концерт давомида залнинг барча йўлаклари рақс майдонига айланди. Қўшиқлар ижросидан сўнг эса "We love you, Sevara" сўзлари мухлислар олқиши остида жаранглаб турди.

Концертга бағишланган махсус репортаж Австрия радио ва телевидениеси орқали намойиш этилди.

Венада бўлиб ўтган ўзбек мусиқаси тақдимотидан сўнг хонанда ўз гуруҳи билан биргаликда йилнинг навбатдаги "WOMEX" халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун Испаниянинг Севилья шаҳрига жўнаб кетди.

«Жаҳон» АА

Ҳикматли сўзлар маъноси

Катта арава қайдан юрса, кичик арава шундан юради

«Олдинги арава қайдан юрса, кейинги арава шундан юради»; «Аравонинг олдинги ғилдираги қайдан юрса, кейинги ғилдираги ҳам шундан юради»; «Катта кема қайдан юрса, кичик кема шундан юрар»; «Катта карвон қай йўлдан кўчса, кичик карвон ҳам шу йўлдан кўчар»; «Катта бошлар, кичик ташлар»; «Оғасин кўриб иниси ўсар, Опасин кўриб синглиси ўсар». Бу мақолларни: «Кичиклар катталарга эргашадилар, уларнинг қилганини қиладилар, уларнинг бошлаган ишларини давом эттирадилар», деган маънода ҳам, «Кичиклар катталарнинг йўлидан боришлари, уларнинг кўрсатмасини бажаришлари, «чизган чизиғи»дан чиқмасликлари лозим», деган маънода ҳам қўллайдилар.

Касал — касал эмас, касал боққан — касал

Юқорида айтганимиздай, илгари халқ малакали тиббий хизматдан бахраманд бўла олмаган. Омма орасида турли касалликлар, айниқса юқумли касалликлар кўп бўлган. Беморлар ва уларни боқувчилар мислсиз қийинчиликларга дучор бўлганлар.

Ҳаддан ташқари узоқ чўзилиб кетадиган касалликлар кишиларни жонидан тўйғазиб, ҳатто ўлимга ҳам рози қилиб қўйган. Қуйидаги мақоллар ана шуни ифода этади: «Тузаладиган касалнинг тузалгани яхши, ўладиган касалнинг ўлгани яхши»; «Ўладиган касалнинг ўлгани яхши, уйдагиларнинг тингани яхши».

Касалнинг келиши осон, кетиши қийин

«Касал ботмонлаб келади, мисқоллаб кетади» (инглизлар «Касал отда келиб, пиёда кетади», дейдилар). «Касалим чўзилиб кетди, тезроқ тузалиб кетолмаяпман», деб безовталанадиган беморга юқоридаги мақоллар билан: «Кўп ташвиш тортаверманг, касалликнинг ўзи шунақа бўлади, келишга бирдан келади-ю, кетишга қолганда аста-секинлик билан кетади», деган маънода тасалли берадилар. Касалликнинг кетиши қийинлигини ифода этувчи «Оғриқ жойини топса, олти ой қишлайди»; «Касал бир айлантирганда чир айлантиради» деган мақоллар ҳам бор.

Спорт

ВАКИЛЛАРИМИЗ АФРО-ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА

ДАСТЛАБКИ ОЛТИН ВА БРОНЗА МЕДАЛЛАРИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Шу кунларда Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида давом этаётган I Афро-Осиё ўйинлари ҳал қилувчи паллага кирди. Осиё ва Африка қитъалари Халқаро Олимпия қўмиталари ташаббуси билан илк маротаба ўтказилаётган бу нуфузли мусобақада Ватанимиз спортчилари ҳам иштирок этяпти. Кичик олимпиада номини олган баҳсларда вакилларимиз спортнинг сузиш, бокс, ўқ отиш, футбол ҳамда енгил атлетика турлари бўйича майдонга чиқишмоқда.

Дастлаб дастурдан жой олган сузиш баҳсларига якун ясалди. Ҳамюртимиз, XIV Осиё ўйинлари чемпиони Равиль Начаев 50 метрга эркин усулда сузиш бўйича олтин медалга сазовор бўлди. 200 метрга сузиш бўйича ўтган эстафета мусобақаларида ҳамюртларимиз Тимур Эргашев, Олег Пухнатий, Александр Агафонов, Пётр Васильевлар бронза медаллари билан тақдирланди.

I Афро-Осиё ўйинларида асосан энг тажрибали спортчиларимиз қатнашмоқда. Фақат футбол бўйича Ўзбекистон шарафини Виктор Борисов бошчилигидаги мамлакат ёшлар терма жамоаси ҳимоя қиляпти. Мутахассисларимиз бу мусобақа футболчиларимиз учун шу йил ноябрь ойида БААда ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати олдидан муҳим синов бўлишини таъкидлашмоқда.

Алматида муай-тай бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли қатнашиб қайтишди. Умумжамоа ҳисобида спортчиларимиз иккита олтин, тўртта кумуш ва тўртта бронза медалини қўлга киритдилар.



Суратда: жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорлари (чапдан) Ҳамидулла Йўлдошев (63 кг., бронза), Хуршид Эшонхўжаев (48 кг., кумуш), Асилжон Мусаев (67 кг.), Умид Файзиев (54 кг., иккаласи олтин медаль соҳиби) ҳамда Дилшод Иноғомов(71 кг. кумуш)лар.

Абдувосит ҲАЙДАРОВ олган сурат

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

Сўнгги йилларда республикамиз маҳаллалари болалари ўртасида мунтазам ўтказиб келинаётган футбол, кураш, шоҳмот, шашка мусобақалари аллақачон ўз мухлисларини топиб улгурган. Бу спорт турларининг дастлаб маҳаллаларда, туман ва шаҳарларда, сўнгра вилоятларда уюштирилаётганлиги жойларда спортнинг янада оммавийлашишига кўмаклашмоқда. Буни куни кеча поёнига етган белбоғли кураш мусобақалари ҳам тасдиқлаб турибди.

«Жар» спорт мажмуида белбоғли кураш бўйича ўтказилган «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирининг республика финал босқичида 1989-1991 йилларда туғилган ўғил ва қиз болалар, шунингдек, 45 ёшдан ошган фахрий полвонлар ғиламга чиқдилар. Ўғил ва қиз болалар ўртасида ғолиблар бештадан вазн тоифасида аниқланган бўлса, фахрийлар тўрт вазн тоифасида куч синашдилар.

— Қатнашчилардаги ғайрат-шижоатни кўриб завқим келди, — дейди Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси бош котиби Рустам Исоқов. — Яқин-яқингача белбоғли кураш билан фақат Фарғона водийсида, Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг айрим туманларидагина шуғулланишарди. Жойларда мунтазам ўтказила бошланган «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнири эндиликда белбоғли кураш бўйича нафақат кучлиларни аниқлайди, балки миллий спорт турини мамлакатимизнинг барча худудига тарқалишига ҳам катта ҳисса қўшади.

Эркин ХОЛБОБО

Интер-спорт

Олимпиадага чипталар сотилмоқда

Бўлажак 2004 йилги олимпиада мусобақаларининг бошланишига 10 ой қолди. Олимпия ўйинларини бориб кўришга қизиқувчилар сафи эса ортиб бормоқда. Бугунгача бир миллион етти юз мингта чипта сотилди ва унинг қиймати 126 миллион еврони ташкил этди. Бу ҳақда Халқаро олимпия қўмитаси мувофиқлаштириш комиссияси аъзоларининг Афинага сафари чоғида ўтказилган матбуот йиғилишида мусобақа ташкилий қўмитаси раҳбари Иоанна Ангелопул Даскалаки ахборот берди. Унинг сўзларига қараганда, олимпия иншоотларининг қурилиши режали давом этаётган экан.

Яқин кунларда матбуот марказининг асосий биноси, теннис, бадиий гимнастика, дзюдо ва кураш мусобақалари ўтказиладиган иншоотлар ҳам фойдаланишга топширилади. Ҳозирча олимпия бош майдони — ўйингоҳнинг томини ёпиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Кафельниковнинг сўнгги учрашуви

Евгений Кафельников катта теннис билан хайрлашишга ҳозирланмоқда. У ўзининг сўнгги учрашувини «St.Petersburg Open-2003» турнирида Михаил Южнийга қарши ўтказди. Ўйин эса Михаилнинг фойдасига (2:6, 2:6) ҳал бўлди. Албатта, Кафельников мухбирлар билан учрашувда бу ўйиннинг қандай ҳисобда тугашидан қатъи назар, бундан буён нима билан шуғулланишини яқин вақтларда маълум қилишини баён этди. «Менинг теннис оламидаги даврим поёнига етди, чоғи. Энди бошқача йўл тутишимга тўғри келади», — дейди Кафельников.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Daylat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 961

7662 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi 1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA